

Ушбу сонда:

2

МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ -
ҲУҚУҚНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

3

Нима эксанг, шуни ўрасан
ЮЛҒИЧЛАР

4

ДЕМОКРИТ
БИСОТИДАН



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 15 декабр, чоршанба № 178 (825)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
жаноби олийларига

Биз, Сурхондарё вилоятининг Саросиё туманида истикомат қилувчи бир гуруҳ ҳожилар Сиз муҳтарам Зоти Олийларининг ҳақимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва мамлакатимиз маъмуриги йўлида қилаётган улкан меҳнатларингиздан беҳад мамнунимиз. 2000 йил 9 январ куни бўладиган Президентлик сайловларида номзодингиз кўйилганлигини эшитиб, бениҳоят хурсанд бўлдик ва сайлов куни Сизнинг номзодингизни қўллаб-қувватлашни ният қилдик.
Саросиёлик қалби пок инсонлар Яратгандан Сизга мустақкам соғлиқ, куч-қувват тилаб, ҳақингизга дуо қилди-лар.
Илоҳо, Ўзбекистон халқининг бахтига ҳамisha соғ-омон бўлинг!

САРОСИЁЛИК БИР ГУРУҲ ҲОЖИЛАР

СПОРТЧИЛАР ИСЛОМ КАРИМОВ НОМЗОДИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида, 2000 йил 9 январда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бағишланган митинг бўлиб ўтди.
Митингни очар экан, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов қайд этдики, Ўзбек халқи учун учинчи минг йиллик Ўзбекистон Президенти сайлови каби муҳим воқеа билан бошланади.

Олимпия чўққиларини эгаллашда, ҳаётда омадли ва оилада бахтли бўлишга ишончларини фақат Ислам Каримов номи билан боғловчи спортчиларимиз ушбу муҳим сиёсий тадбирдан четда қолмайди.
Ўзбекистонлик спортчиларнинг бундай ишончи давлатимиз мустақиллигининг саккиз йили яқунларида асосланади. Бу давр ичда мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳалларида катта муваффақиятларга эришиб, жаҳон ҳамjamiyatida муносиб ўрин эгаллади.

1992 йилдаёқ мамлакатимиз собиқ иттифок давлатлари ичда биринчилардан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу эса Президентнинг аҳоли саломатлиги ҳақидаги гами-хўрлиги нишонасидир.
Шундан бери, спортни шу жумладан, унинг миллий турларини ривожлантириш, аҳолининг барча қатламла-

ри орасида тарғиб этиш борасида кўп ишлар қилинди.
Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги туфайли, мамлакатимиз спортчилари сўнги саккиз йил мобайнида Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида иштирок этиб, юқори натижаларга эришди. Айни пайтда мамлакатимизда ўтказилган кураш бўйича жаҳон чемпионатида, кураш ва бокс бўйича Осиё чемпионатларида қатнашди.
Давлатимиз бошлигининг ташаббусига кўра, Ўзбекистонда 1995 йилда халқаро олимпия қўмитаси шафелигида Биринчи Марказий Осиё ўйинлари ўтказилди.

Мустақиллик йиллари давомида спортчиларимиз 2311 та олтин, қумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.
Президентимизнинг орзуси Ўзбекистонни теннис мамлакатига қилиш эди. Шу йилнинг ноябр ойида Халқаро теннис ассоциацияси Ўзбекистон Президенти Кубоги учун ўтказилган халқаро турнирни «Йилнинг энг яхши турнири» деб тан олди.

Халқаро олимпия қўмитаси томонидан дунёдаги энг яхши музейлардан бири, деб тан олинган Олимпия шон-шухрати музейи, Тошкентдаги «Юнусовода», «Динамо» спорт мажмуалари, Жиззах, Андижон, Наманган ва Фарғонадаги теннис кортлари нафақат спортчиларимиз, балки бутун Ўзбекистон халқининг фахридир.
Ислам Каримовнинг спорт-

чилар ҳақидаги гами-хўрлиги Халқаро олимпия қўмитаси ва Осиё олимпия кенгаши томонидан юксак баҳоланди: Ўзбекистон Президенти спортни ривожлантириш борасидаги катта ҳиссаси учун Халқаро олимпия қўмитаси ва Осиё олимпия кенгашининг Олтин орденлари билан мукофотланди.
Мамлакатимизда халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётган спортчиларимиз ҳам эъозланмоқда - улар юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.
- Хар биримиз қалбимизни амрига кўра, ўз овозимизни Президент Ислам Каримов номзоди учун берамиз. Зеро, Президентнинг фаолияти шундан далолат бермоқдаки, унинг мақсади мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишдан иборат, - деди Баҳодир Махситов.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов номзодини митингда сўзга чиққан Миллий олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев, бокс бўйича жаҳон чемпиони Рудат Рискиев, Мухаммадқодир Абдуллаев, арқин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма командасининг бош мураббийси Маъмур Рўзиев, спорт фахрийлари Равила Салимова, Зоя Абдуллаева ва бошқалар қизгин қўллаб-қувватлашди.
(У.А.)



2000 йил 9 январ - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

ПРЕЗИДЕНТ ЎҚИГАН МАКТАБДА МИТИНГ


Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан меҳнат жамоаларида йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтмоқда. Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактабда бўлиб ўтган шундай тадбир алоҳида кўтаринкилик билан ўтди.

Сиёб туманидаги маҳаллалар оқсоқоллари ва мазкур мактаб жамоаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда сўзга чиққанлар Юртбошимиз айни шу илм даргоҳида тахсил олганлигини фахр-ифтихор билан таъкидлашди. Халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў эътибори охирига қадар эришган ютуқлари, юртимизда тинчлик-осойисталик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик, ҳамжихатликнинг барқарорлиги, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, маданият ва маърифат соҳаларида эришилаётган муваффақиятлар Президентимиз номи билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида таъкидладилар.

Митинг қатнашчилари 2000 йил 9 январда бўладиган Президент сайловида Ислам Каримов учун овоз беражакларини изхор қилдилар.

Ўзбекистон таълими ҳақида хоҳ ўзимизда, хоҳ хорижда фикр юритилса гап албатта Президент Ислам Каримовнинг бевосита ташаббуси билан дунёга келган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг аҳамияти билан бошланади. Мазкур дастур дунё таълимида ўзига хос янгилик бўлди.

Бугун Миллий дастурнинг биринчи босқичида белгиланган вазибалар илмий бажарилаётган. Жумладан, мустақиллик руҳи уфуриб турган таълимнинг янги мазмуни шаклланимоқда. Бу фикрни исботловчи мисоллар талайгина. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Ўзбекистон таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 5-сонли ҳамада 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 203-сонли қарорлари асосида 23 та ўқув фандан давлат таълим стандартлари лойиҳалари ва синов ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур 203-сонли қарори билан 24 та таъриба-синов майдони ташкил этилиб, ишлаб чиқилган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари 1998-1999 ўқув



ЎЗИГА ХОС ЯНГИЛИК

йилида синовдан ўтказилди. Шу билан бир қаторда, Халқ таълими вазирлигининг курсатмасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент шаҳрида ва вилоятларнинг хар бирида қўшимча тарзда 23 тадан синов майдонлари ташкил этилиб, мазкур таълим ҳужжатлари таъриба-синовдан ўтказилди.

Президент И.Каримовнинг Олий Мажлиси XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда» маърузасида таъкидланган гоғлар асосида синовдан ўтказилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунига ислохотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тўзатишлар киритилди. Тако-

миллаштирилган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан, ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 26 августдаги 13-сонли Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб ўқув дастурлари билан биргаликда босқичма-босқич жорий этишга киришилди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларини 350 минг нусхада нашр этиш учун 175 млн. сўм ажратилди. Давлат таълим стандартлари ва дастурлар Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» ахборотномаси махсус сонлари сифатида етти та китоб тартиқасида чоп этилди. Булар барча ўқитувчиларимизга Президентимиз Ислам Каримовнинг соғамсифатида тарқатилмоқда. Улар барча умумий ўрта таълим муассасаларининг кутубхона фондларида ўтказилди.

Мазкур етти та махсус сон «Маърифат-мададкор» нашриётида таърирланиб, «Шарқ» нашриёт матбаа концернида сифатли чоп этилди.

ЭЪТИҚОД

Маълумки, Навоий шаҳридаги «Навоийзоот» ишлаб чиқариш бирлашмаси республика миёдаги энг йirik sanoat корхоналари сира-сига қиради. Шу боис ҳам корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб катта. Бу ерда иш қилишни кўпчилиги эса меҳнат унумдорлигининг янада ошишига имкон берапти. Айни чоғда, бирлашмада 10 мингга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти хотин-қизлардир.

Сўнги йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхонаси жадал сурьатларда ривожланмоқда. Ҳозирда 100 хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Жумладан, газлама, ип, кийим-кечаклар, тўшак қопламалари, мебел жиҳозлари, гилам-пояндоқлар, уй-рўзгор буюмлари, махсус иш кийимлари сингари маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топган.

Айтиш керакики, бирлашма жамоаси ҳамisha

изланишда. Улар си-шахридаги «Навоийзоот» ишлаб чиқариш бирлашмаси республика миёдаги энг йirik sanoat корхоналари сира-сига қиради. Шу боис ҳам корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб катта. Бу ерда иш қилишни кўпчилиги эса меҳнат унумдорлигининг янада ошишига имкон берапти. Айни чоғда, бирлашмада 10 мингга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти хотин-қизлардир.
Сўнги йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхонаси жадал сурьатларда ривожланмоқда. Ҳозирда 100 хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Жумладан, газлама, ип, кийим-кечаклар, тўшак қопламалари, мебел жиҳозлари, гилам-пояндоқлар, уй-рўзгор буюмлари, махсус иш кийимлари сингари маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топган.
Айтиш керакики, бирлашма жамоаси ҳамisha

Суратда: Гилам чеци бошлиги Феруза Каршиева (ўртада) тўқувчи қизлар билан режалар тўғрисида фикрлашмоқда.

С.ЗУФАРОВ (Ў.А.)
олган сурат.



ҚУВОНЧ УЛАШГАН КУН

Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» республика ёшлар жамағатаси билан ҳамкорликда Аёллар йилга бағишлаб «Саҳна санъати маликалари» республика танловини эълон қилган эди.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида мазкур танлов якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз театрларининг Малика Қасимова, Хурсаной Қодирова, Зухра Ашурова, Озода Абдуллаева сингари ўн уч нафар истеъдодли актрисаси «Саҳна санъати маликалари» деб, Комилла (Шукржон Сапаева) билан Ҳабиба Абдурахмонова энг яхши драматург, Мунаввар Абдуллаева эса истеъдодли режиссёр деб эътироф этилди. Барча голибларга муассисларнинг совринлари топширилди.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ КўРКИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг етук намоён-даларидан бири, миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз равнақида улкан ҳисса қўлган тарихнамас олим, форсий адабиётнинг ўнлаб нодир намуналарини она тилимизга ўғирган моҳир таржумон, давлат ва жамоат ар-боби Мухаммад Ризо Эрнэзбек ўли - Огаҳий таваллудига 190 йил тўлди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ушбу сана юртимизда кенг нишонланмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзте-леродио» компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда Огаҳий ҳаёти ва ижодида

бағишлаб илмий-адабий анжуман ўтказди. Айтиш жоизки, Муқимий номидаги давлат музыкали театрида бўлиб ўтган бу тадбир бир неча кундан сўнг Хоразмда бошланадиган оғайиб юбилей тантаналарининг деб очаси бўлди.
Тадбирда таниқли адабиётшунос олимларнинг Огаҳийнинг ижодий фаолияти ва миллий адабиётимиз хазинасига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисидаги маърузалари тинг-ланди. Юнус Ражабий номидаги маком жамоаси ва бошқа етук санъаткорлар ижросида Огаҳий газаллари билан айтиладиган ашуалар янгради.

Ўзбекистон - келажиги буюк давлат. Қалби-миз ва шууримизга муҳрланган бу сўзлар бугун амалда намоён бўлмоқда. Нисбатан қисқа фурсат ичда юртимиз жамоли бемисл чирой оқиб барча жаҳалларда, хусусан илм-фан соҳасида ҳам улғувор олимлар ташланди.
Ютуқлар бор жойда, албатта, муаммолар ҳам бўлади. Ҳўш, улар қандай ҳал қилинмоқда, нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим?
Ўзбекистон таълими ва фан ҳодимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Иброҳим АБДУГАНИЕВ бу ҳақда шундай дейди:

- Бугун мамлакат миқёсида илм-фан аҳлининг янги авлодини тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият берилётганлиги тарихий заруратдир. Чунки, «Таълим тўғрисида»-ги қонун, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури», «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари», иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамағатимизнинг тузилиши ва бошқа қўллаб амалий ишлар ушбу соҳага эътиборнинг нақадар кўча-англигини кўрсатади.

Зеро, давр тақозоси билан одамлар кайфияти, фикри, манфаатларини инфодалайдиган энг оммавий ташкилот ҳисобланмиш касба уюшмаларининг фаолият доираси ҳам тобора кенгайиб, янгица мазмун ила бойиб бораётир. «Биз олдин-мизга қандай масала қўйилган, қандай муаммони ечиш зарурати ту-ғилмасин, гап охирикўбат, барибир кадрлар масаласига бориб та-қалади, - деган эди мух-тарам Президентимиз Ислам Каримов. - Муволағисиз айтиш мумкинки, бизнинг келажигимиз, мамлакатимизнинг келажиги, ўрнимизга ким қилишига ёки бошқачоқ айтганда, қандай кадрлар тай-ёрлашимизга боғлиқ».

Маълумки, Ўзбекистон таълими ва фан ҳодимлари касба уюшмаси таркиби Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Фанлар академияси бирлашган кас-

жумладан, «Конрад Адена-уэр» фонди, Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Устоз», «Умид» жамағатлари билан яқин алоқалар ўрнатилди ва биргаликда қатор тадбирлар ўтказил-ди.
Албатта, янги авлодни тарбиялаб вояга етказиш бир кун ёки бир неча ойда амалга ошадиган иш эмас. Лекин бир нарса аниқ: илм-фан йўлида сарфлан-ган маблағ йиллар эъти-ди билан ўн ва ундан зиёд даражада самара келтириши шубҳасиз. Бу қандай сарф-харажатлар эканлигини эса сиз билан биз яхши била-миз. Янги билим маска-лари қуриш, замонавий

етарли шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий-ижти-моий жиҳатдан муҳофаза қилиш, қўшимча энгиллик-лар барпо этиш, ойлик ма-ошлари ўз вақтида бери-лишини назорат қилиш, уларга банкдан сўсуда олишда кўмаклашиш каби масалалар ўз аксини топ-ган.
Кези келганда шуни таъ-кидлаш лозимки, кам таъ-минланган, ёлғиз ва кўп болали оилаларни иқтисо-дий-ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ҳукумат қарор-ларидан келиб чиққан ҳолда муайян ишлар амал-га оширилди. Жумладан, Марказий Қўмита кам таъ-минланган педагог ҳодим-

лар фарзандларини дар-сликлар ва ўқув қўлланма-лари билан бепул таъмин-лаш ташаббусини кўтариб чиқди ва жами 9 мингга яқин ўқувчиларни ота-ликқа олди. Бу савобли тадбир, айниқса, Қашқа-дарё, Бухоро, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кенг қулоч ёйди.
Ўтган ҳисобот даврида ютуқлар билан бир қатор-да айрим камчиликларга ҳам дуч келдик. Хусусан, инсон саломатлиги зарар келтирувчи иш шариоитида меҳнат қилаётган ҳодим-ларга қўшимча ҳақ тўлаш, уларни махсус кийим-бош билан таъминлашда баъзан узилишларга йўл қўйилди. Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, Самарқанд, Хо-

разм, Жиззах, Андижон ви-лоятлари педагог ҳодимла-рининг ойлик иш ҳақлари-ни ўз вақтида ололмаган-ликлари, айниқса, кечиб-рилмас ҳолдир. Ваҳоланки, шартнома бандларида бун-дай мажбурият алоҳида қайд этилгандир. Шунинг-дек, баъзи вилоятларда 15-фоизли махсус рағбатлан-тирувчи фонд маблағлари эгаларига етиб бормаётир. Кўпгина туманларда педа-гог ҳодимлар оилалари кўмир, суолтирилган газ билан таъминланмаганлиги ёки унинг ўрнига товоон пули тўланмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?
Афсуски, жойларда кас-саба уюшма қўмиталари

ўзимизники. Лекин камчи-ликлар ҳам йўқ эмас. Жум-ладан, ўқув юрларимизни битириб чиқаётган ёшлар-нинг билим даражаси ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб бермаслиги, ўқув юрларида замонавий асбоб-ускуна, жиҳозлар билан таъмин-ланмаганлиги, зарур мод-дий база яратилмаганлиги, талабаларни жаҳон стан-дартлари даражасидаги дарсликлар асосида ўқитишга тўла ўтилмаганли-ги бизни беварқ қолдири-маслиги керак. Таълимчи, олий ва ўрта махсус ўқув юрлари касба уюшмалари фаолиятида ҳам мазкур талабар асосида янгила-ниш бўлиши даркор.

Кўп нарса ҳодимларнинг ишга муносабати, малака-си, билим даражасига, қолаверса, жамоада таркиб топан тартиб-интизомга боғлиқ. Шунга кўра ҳисо-бот даврида кўпгина раҳ-бар ҳодимлар алмашувчи юз берди. Хусусан, касбаба уюшмалари чех ва бошлан-ғич ташкилот раисларин-инг 33 фоизи ўзгарди.
Ҳозир улар таркибининг 48,5 фоизини хотин-қиз-лар, 27 фоизини 30 ёшга-ча бўлган ёшлар ташкил этмоқда.
Олдинда катта вазифа-лар турибди. Жумладан, касбаба уюшмаларининг жамият ҳаётига таъсирини кучайтириш, унинг роли, ваколати, ҳуқуқларини му-стаҳкамлаш ва пировард натижада унинг тўла му-стақиллигини таъминлаш борасида Юртбошимиз кўрсатмаларини тўлиқ рўёбга чиқариш лозим. Шундай қилиш керакики, касбаба уюшмалари ёш-лар билан касбабақум ўртасида узилиш бўлма-син. Аслида бизнинг ю-туғимиз ҳам, бахтимиз ҳам шунда.

БИЛИМДОН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ - ТАРИХИЙ ЗАРУРАТ

ба уюшмаси қўмиталаридан иборат бўлиб, уларда 213 та туман, шаҳар, 40 та олий, 112 та ўрта махсус, 195 та хунар-техника, 72 та бошқа турдаги ташки-лот, 1 та бирлашган, 15447 та муассасалар (жами - 15886 та) касбаба уюшмаси қўмиталари мавжуд ва ўз сафига 1 млн. 220 минг-дан зиёд аъзони бирлаш-тиради.
Шуниси қувончлики, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ҳуқуқий ва инсонпарвар жамият қуришдек қизгин жараёнда касбаба уюшма-лари ҳам фаол иштирок эт-моқдалар. Фаолиятимиз таъсирчанлигини ошириш мақсадида қучларни бир-лаштириш йўлидан бориб,

ўқув дарсликларни яратиш ва албатта, умрини мамла-кат келажигини қўлга олишга қодир салоҳият со-ҳибларини тайёрлашга тик-кан заҳматқаш инсонларни хар томонлама, ҳам мод-дий, ҳам маънавий жиҳат-дан қўллаб-қувватлашди.
Шу боис ҳам Таълим ва фан ҳодимлари касбаба уюшмаси Марказий Қўми-таси ҳамда унинг жойлар-даги вакиллари халқ таъ-лими бошқармаси ва бўлимлари билан шартно-малар тузди, жамоа кели-шувларига имзо чекди. Мазкур шартнома ва кели-шувларда бир қатор муҳим масалалар, жумладан, пе-дагог ҳодимлар, талаба-ларга ўқим ва меҳнат таъ-лими, Самарқанд, Хо-

лар фарзандларини дар-сликлар ва ўқув қўлланма-лари билан бепул таъмин-лаш ташаббусини кўтариб чиқди ва жами 9 мингга яқин ўқувчиларни ота-ликқа олди. Бу савобли тадбир, айниқса, Қашқа-дарё, Бухоро, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кенг қулоч ёйди.
Ўтган ҳисобот даврида ютуқлар билан бир қатор-да айрим камчиликларга ҳам дуч келдик. Хусусан, инсон саломатлиги зарар келтирувчи иш шариоитида меҳнат қилаётган ҳодим-ларга қўшимча ҳақ тўлаш, уларни махсус кийим-бош билан таъминлашда баъзан узилишларга йўл қўйилди. Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, Самарқанд, Хо-

разм, Жиззах, Андижон ви-лоятлари педагог ҳодимла-рининг ойлик иш ҳақлари-ни ўз вақтида ололмаган-ликлари, айниқса, кечиб-рилмас ҳолдир. Ваҳоланки, шартнома бандларида бун-дай мажбурият алоҳида қайд этилгандир. Шунинг-дек, баъзи вилоятларда 15-фоизли махсус рағбатлан-тирувчи фонд маблағлари эгаларига етиб бормаётир. Кўпгина туманларда педа-гог ҳодимлар оилалари кўмир, суолтирилган газ билан таъминланмаганлиги ёки унинг ўрнига товоон пули тўланмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?
Афсуски, жойларда кас-саба уюшма қўмиталари

ўзимизники. Лекин камчи-ликлар ҳам йўқ эмас. Жум-ладан, ўқув юрларимизни битириб чиқаётган ёшлар-нинг билим даражаси ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб бермаслиги, ўқув юрларида замонавий асбоб-ускуна, жиҳозлар билан таъмин-ланмаганлиги, зарур мод-дий база яратилмаганлиги, талабаларни жаҳон стан-дартлари даражасидаги дарсликлар асосида ўқитишга тўла ўтилмаганли-ги бизни беварқ қолдири-маслиги керак. Таълимчи, олий ва ўрта махсус ўқув юрлари касба уюшмалари фаолиятида ҳам мазкур талабар асосида янгила-ниш бўлиши даркор.

МЕХНАТКАШЛАР ХАҚ-ХУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Таҳлил


Мехнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг асосий усули жамоа шартномаси, битимларни тузишдан иборат бўлиб, унда амалдаги қонунларга нисбатан ишловчиларга қўшимча имтиёз ҳамда кафолатлар белгиланади. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши бунга эътибор бергани ҳолда жамоа шартномалари ва битимлардаги шартларнинг бажарилишини асосан таъминламоқда. Бунда корхона раҳбарларига ҳам миннатдорчилик билдириш керак. Чунки улар овқатга, транспортга, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишга товон пулларини тўлашмоқда. Мехнаткашларни соғломлаштириш, уларнинг дам олиши, уй-жойларини хусусийлаштиришга, қурилиш материаллари сотиб олишга, тиш қўйдиришга қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Тиббий ёрдам ҳамда дори-дармонлар учун эҳтиёжмандларга моддий ёрдам берилмоқда.

Шу билан бирга агросаноат мажмуидаги корхоналар («Бешёқчокооп», «Ўзгўштутмаҳсустрас», «Бешёқчипиво»), машинасозлик ва металлургия тармоқларидаги корхоналар («Асбобсоз», Агрегат заводлари, «Тошқилоқшаш» АООТ) жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажаришди.

Иш ҳақи тўлашини тартибга солишда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил ноябрдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлашини учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилинаётган. Масалан, 1 декабрда йилнинг бошига қийослаганда иш ҳақи тўлаш бўйича қарздорлик шаҳар бўйича 888,22 млн сўмга, мазкур қарор чиққанidan кейин эса 1501,3 млн сўмга камайдди.

Шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раёсати асосий эътибор-ни аъзо ташкилотларга услубий, маслаҳат ёрдами бериш, тажрибаларни умумлаштириш, ҳодимларни ўқитиш ва меҳнат қонунчилигига амал қилинишига эътибор берди. Ҳисобот даврида ҳуқуқий инспекторлар томонидан шаҳардаги 223 ташкилот, муассаса ва идоралар текширилиб, меҳнат қонунчилиги 524 мартаба

юшмалари соғломлаштириш, меҳнат шариоатларини яхшилаш, хавфсизликни таъминлаш, ишхоналарда меҳнат турмушини шакллантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга бугунги кунда меҳнат муҳофазаси аҳволи кўнгилдагидек эмас. Ҳисобот даврида бахтсиз ҳодиса сабабли 90



1999 йил — Аёллар йили

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистондаги йирик кимё-фармацевтика корхонаси ҳисобланган жамоамизда ҳозирги кунда 600 нафар ходимлар фаолият кўрсатаётгани ҳолда, улардан 400 нафарини аёллар ташкил этади. Шу боис ўтиб бораётган Аёллар йилида корхонамизда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларимизга асосий эътиборни қаратдик. Хусусан, 8-март байрамида уларга 662555 сўмлик совғалар тақдим этилди. Наврўз айёми арафасида корхонамизда сумалак қайнатилиб, барча ишчиларга, корхонамиз фахрийларига тарқатилди. Байрам муносабати билан корхонада меҳнат қилаётган 16 нафар ишчи-хизматчиларимиз «Корхона фахрийси», «Корхона шарафли фахрийси» унвонлари ва қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Ишчиларимизга оилавий аҳволларининг танлиги ёки даволаниши учун маъмурият томонидан 909500 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномасига асосан меҳнатни муҳофазга қилиш ва меҳнат гигиенаси билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун жорий йилда маъмурият томонидан 8017,3 минг сўм миқдорда пул маблағи ажратилиши келишиб олинди.

Корхонамиз ҳудудида даволаш бўлими мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда ходимларга биринчи ёрдам билан бир қаторда физиотерапия муолажалари, аёлларни гинекологик даволаш хизматлари ҳам мунтазам равишда кўрсатилади. Ёзинг жазирама иссиқ кунларида эса 73 нафар ходимларимиз оилалари билан «Чорвок» сув хавзасида табиат қўйнида дам олдилар. Шунингдек, ёз давомида нават билан «Ўзалистон» дам олиш масканида ишчиларимизнинг ҳордиқ чиқаришлари ташкил қилинди. Мавсумда бу ерда 663 нафар ишчиларимиз оилалари билан ҳордиқ чиқардилар.

Тошкент шаҳар тармоқ кўмитаси томонидан ажратилган йўлланмалар асосида 30 нафар аёлларимиз Митрофанов номли спорт-соғломлаштириш мажмуасига қатнашди. Ишчи-ҳодимларимизнинг 20 нафар фарзандлари ёзги таътил давомида «Машъал» соғломлаштириш оромгоҳида дам олдилар. 8 нафар ишчиларимиз оилалари билан «Кумушкон», «Сумча», «Оқтош» дам олиш масканларида ҳордиқ чиқардилар. 7 нафар ходимларимиз «Чинобод», «Чотқол», «Янгийўл», «Турон» санаторийларида саломатликларини тикладилар. Умуман, соғломлаштириш ва профилактика тадбирларига корхонамизда 9 ой мобайнида 1283760 сўм маблағ ажратилди.

Д. АБДУЛЛАБЕКОВА, «Ўзкимёфарм» ОЖХ касаба уюшма кўмитаси раиси.

Меҳнат ва рағбат

Институтимизнинг бугунги кундаги молиявий аҳволи жамоа шартномасига киритилган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий имтиёзларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминламоқда. Мисол учун жорий йил институт томонидан Республика халқ хўжалиги ривож учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотларни газлаштириш бўйича 104 миллион сўмлик лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Жамоа меҳнатидан 11 миллион фойда олинди. Айни чоғда бу маблағлар жамоа шартномасида кўрсатилган ижтимоий имтиёзлар, ходимларни нафақага кетиш даврида моддий рағбатлантириш учун йўналтирилмоқда.

Фойда соғломлаштиришга сарфланди

Хусусан, ходимлар уйбуйиб саналарида пул муқофотлари билан тақдирландилар. Кам таъминланган оилалар узоқ вақт бетоб бўлган ходимлар ва маъракаларга 623 минг сўм моддий ёрдам берилди. Ишловчилар фарзандлари «Зилола» болалар дам олиш оромгоҳи ва Митрофанов номли сув спорти саройида соғломлаштирилди.

Ходимларнинг 50 қизини ташкил қилган аёлларга институт касаба уюшмаси алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жумладан, «Аёллар йили»да улар учун «Ал-Бухорий» макбрасига экскурсия ташкил қилинди. Хотин-қизлар тиббий хонаси мунтазам ишлаб турибди. Аёллар меҳнат таътилига 3 кун қўшиб берилмоқда.

Институт касаба уюшмаси ташаббуси билан ходимлар «Янгийўл», «Хумсон», «Чинобод» сиаҳатгоҳларида ва «Кумушкон» дам олиш оромгоҳларида ўз саломатликларини тиклашди.

М. ЗУФАРОВ, «Тошмарг8» хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

Н. МАҲМУДОВА, «Ўзгазлойиҳа» институту касаба уюшма кўмитаси раиси.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

бузилгани аниқланди, 18 та кўрсатма берилди, 216 та ариза-мувожаат қўриб чиқилди, 935 нафар арзчилар қабул қилинди, 16 киши ишга қайта тикланди.

Умуман корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунлари тўғри қўлланилмоқда. Шу билан бирга бу йўналишда хато ва камчиликлар кўп. Хусусан металлургия ва машинасозлик саноати, савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси, тадбиркорликнинг турли шакллари, қурилиш ва курилиш ашёлари саноати, агросаноат мажмуида, В.Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида ойлик иш ҳақи вақтида тўланмапти. Иш пайтида шикастланган, касб касаллигига чалинганларга ўз вақтида товон пули тўлаш, ишлаётган нафақахўрларга пенсия, фарзанди икки ёшгача бўлган болали аёлларга нафақа, ишдан бўшаган ходимлар билан вақтида ҳисоб-китоб қилинмапти.

Ҳар бир меҳнаткашнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ишчиларга хавфсиз меҳнат шариоатини яратиш учун маълум ишларни амалга оширишди. Бу тадбирларни рўйбга чиқариш ва меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш, аҳолига маънавий ва маърифий хизмат кўрсатиш учун кўп ишлар қилинди. Бу борадаги ишлар шаҳар Кенгашининг, касаба уюшмалари курултойи қарорига ва бу соҳада тузилган Битимларга амал қилиб шаҳар касаба

минг иш соати йўқотилган, 148 киши ҳаётдан кўз юмган.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, шаҳар халқ хўжалигининг кўп соҳаларида меҳнаткашлар техника хавфсизлиги, санитария-гигиена нормаларига жавоб бермайдиган иш жойларида меҳнат қилинади. Шаҳар истикбол ва статистика Бош бошқармасининг маълумотига қараганда шундай иш жойларида меҳнат қилаётганлар сони умумий ишлаётганларнинг электротезгарига 33 фоизини, қоғоз-целлюлоза саноатида 30 фоиз, машинасозлик ва транспортда, курилиш материаллари саноатида 18 фоиз, тўқимачиликда 16 фоизини ташкил этади.

Бугунги кунда ёш авлодни маънавий тарбиялаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада ҳам шаҳар Кенгаши четда қолмаётган. Хусусан Кенгаш ва шаҳар касаба уюшма кўмиталари Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларни яна ҳам чуқурлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ҳақидаги қарорини бажариш учун маълум ишларни амалга оширишди. Бу тадбирларни рўйбга чиқариш ва меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш, аҳолига маънавий ва маърифий хизмат кўрсатиш учун кўп ишлар қилинди. Бу борадаги ишлар шаҳар Кенгашининг, касаба уюшма кўмиталарининг раёсати ййғилишларида муҳофизат этилиб борилди. Бир қатор корхона, ташкилот

риб қўйишди.

Шаҳар касаба уюшма спортчилари Хитойда бўлиб ўтган Осиё биринчилиги учун ўтказилган байдарка ва канозда эшак эшиш мусобақасида қатнашишди, Бельгия ва Голландияда бўлиб ўтган енгил атлетика бўйича беллашувларда иштирок этишди, Исроилда дзюдо, самбо кураши бўйича, Япония ва Польшада спорт гимнастикаси бўйича бўлган мусобақаларда қатнашишди. Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуида ҳар йили пойтахтимизда яшовчи 20 минг киши имтиёзли йўлланма билан ўз соғлигини чиниктиришди.

Аммо кўп ташкилотларда спорт ишларининг даражаси жуда паст. Молиявий аҳволнинг оғирлиги сабабли корхона штатида турган жисмоний тарбия йўриқчилари ўрни қисқариб кетган. Касаба уюшмалари спорт мусобақаси учун ажратилган маблағларини тежаб қолмоқдалар. Жумладан спорт ишлари учун харажат қилиниши лозим бўлган 20 фоизлик маблағнинг 4-5 фоизини сарфланмоқда.

Шаҳар Кенгашида Аёллар йилига бағишланган Дастур ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ аёлларнинг болаларни тарбиялаш учун шариоатлар яратиб бериш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, хотин-қизларни ишга жойлаштириш, моддий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ҳамда фарзанди билан бирга даволаш борасида бир қанча ишлар бажарилди.

Ижтимоий ҳимоя

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Корхона қошидаги болалар боғчасида 280 ўринга мўлжалланган бўлиб, мана 20 йилдан ошдики, ишчи-хизматчилар фарзандларини тарбияламоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишчи-хизматчиларимиз ўз фарзандларини ва набираларини наватга туриб кутмасдан жойлаштириш имкониятига эга бўлишартир. Боғчада тарбияланаётган барча болалар қабул қилинган жамоа шартномага асосан бепул тарзда «Настарин» сиаҳатгоҳи хизматидан фойдаланадилар.

Жамиятга қарашли сиаҳатгоҳ, болалар боғчаси ва ётоқхонадаги аҳвол ҳамда шарт-шариоатлар раҳбарият касаба уюшма кўмитаси назорат остидадир. Ишчи-хизматчиларни доимий равишда ижтимоий муҳофизат қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Уларнинг фарзанд

ларида ёзги ўқув таътили даврида оромгоҳларга ҳамда янги йил арча байрами тўюшларига совға ва йўлланмалар бепул тарқатилади. Катталарнинг шанба-якшанба кунлари оилавий ҳолда шаҳардан ташқарига чиқиб дам олиб келишлари ҳам текин ташкил этилади. Йил давомида маданий масканларга олинган чипталар ҳам меҳнаткашларга бепул берилди.

Ишчиларнинг ишга бетаъшиш келиб кетишлари учун раҳбарият касаба уюшма кўмитаси илтимосига биноан йил бошидан бери 3 та автобус ва 2 та кичик автобусларнинг хизмат пулини тўлаб, уларнинг ихтиёрига ажратиб қўйган.

Энг муҳими, ходимлар йил давомида аванс ва ойлик пулларини ўз вақтида олиб келаятилар. Бу борада шу кунгача узилиш бўлгани йўқ. Ҳар

йили ишчи-хизматчилар кузги-қишқи даврга сабзавотлар харид қилиб ҳамлаб олишлари учун моддий ёрдам тариқасида товон пули тўланади. Масалан, яқинда шу мақсадда киши бошига 15000 сўмдан ажратилди. Мунтазам равишда ишчи-хизматчиларга ойлик ва чорак муқофотлари, йил якунига қараб 13-ойлик муқофот тарқатиб берилиши одат тусига айланиб қолган. Жорий йилнинг IV-чораги учун ҳар бир ишчи-хизматчилар ўз ойлик иш ҳақининг 4 баробарида муқофот пули олишди. Қимматбахо қоғозларга ҳам ўз вақтида дивидент пули берилиб келинапти.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши 11 та тармоқ касаба уюшма шаҳар кўмитаси ва В.П.Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти касаба уюшма кўмитасини бирлаштирди. Касаба уюшма аъзоларининг сони 1999 йил 1 январ ҳолатига кўра 675582 нафар кишини ташкил этади.



ФАОЛИЯТ ОЙНАСИ

мақсадлари таъминлаш мақсадида бошланғич ташкилотларда 1348 та жамоа шартномалари тузилган.

Шаҳар касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятида меҳнаткашларни соғломлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис жорий йилда 1995 йилга нисбатан 3092 киши, 7025 нафар болалар соғломлаштирилди.

Касаба уюшмалари ма-

данлий-тарбиявий ишларни ривожлантиришга ва болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Маданий-оммавий тадбирларга маблағлар ажратиш умумий харажатлар билан таққослаганда 1995 йилга нисбатан 1,4 фоизга кўндир.

Ҳисобот даврида меҳнат муҳофазаси бўйича 25 мингта тадбир ўтказилди. Натияжада ишлаб чиқаришда жа-

роҳат олиш ва ўлим билан туғган бахтсиз ҳодисалар икки бараварга камайди. Ун мингга яқин ишловчиларнинг иш жойлари меҳнат муҳофазаси қондалари талаби даражасига келтирилди.

Шаҳар Кенгаши тасарруфида 40 та клуб ва кутубхона, 10 та стадион, 111 та спортзал, 15 та сув бассейни, 375 та спорт майдончаси, 39 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда.

ДЕМОКРИТ БИСОТИДАН

Қадимги Юнонистоннинг серкира олимларидан, антик дунёнинг буюк мутафаккирларидан бири Демокритдир. У эрамыздан аввалги 460-370 йилларда яшаб ижод этган, кўплаб фанлар ривожига жуда катта ҳисса қўшган буюк олимдир. Унга замондошлари фахрлиниб, юнонлар орасида биринчи «қомусий ақл эгаси» деб баҳо берган. Демокритнинг одоб, ахлоқ ҳақидаги фикрлари айниқса ибратлидир. Алломанинг ибратли сўзлари пур маъно ҳикматлари, мантиқнинг кучлилиги билан ажралиб туради.

«Табиат эҳсонига қараганда, - деганди Демокрит, - кишилар кўпроқ машқ туфайли фозил одамларга айланадилар». Жуда тўғри фикр. Чунки машқда гап кўп, машқ туфайли оддий нарсалар санъат дурдоналарига айланади. «Аҳмоқона, беъмани, қаноатсиз яшаш, - деганди аллома, - чакки эмас, аста-секин ўлиш демакдир». Алломанинг ушбу ўғити ҳам ибратлидир. Чунки фойдасиз

умр ўлим билан баробардир. Айниқса, мустақилликка эришган юртдошларимиз учун мазкур насиҳат жуда ҳам керакли. Юртим деб, элим деб, яшашликда маъно катта, мазмун мўлдилр. Ватанга садоқат, она заминга эътиқод, юртга ҳурмат билан ёниб яшаш, нур устига аъло нурдир. Бундан жамиятимиз гуллайти, ўзимиз маънавий лаззатланиб, фахрланамиз, қалбимиз жунбушга келиб, роҳатланамиз. «Яшайдан кўнгли тўлмаганларнинг, - деганди аллома, - ҳаёти азоб деган исбот талаб қилмайдиган хулоса келиб чиқади». Аллома мутлақо ҳақ. «Бошқаларнинг камчилигини ипидан-игнасиғача кўриб, - деганди Демокрит, - ўзиникига эътибор бермаслик юзасизликдир». Алломанинг ушбу ўғити ҳам ўринлидир. Доно халқимиз буюк давлатга айланши йўли ҳам таълимни тубдан ўзгаритиришга, ислоҳ қилиш ва унинг самарасини оширишга боғлиқдир. Ўқиш, ўрганиш доимо инсониятга фойда келтирган.

Одамларга берилган ҳикматлардан бири фаросатдир. Аллома бу борада мана бундай дейди. «Битта фаросатли одамнинг

дўстлиги, ҳамма бефаросат одамларнинг дўстлигидан афзал. Бефаросатларнинг «хол» кўйиши дилингни хуфтон қилади. Кайфиятингни бузиб, асабингни қақшатади. Ота фарзандлар учун таянч, ота-устоз, мураббий. «Ота донолиги, - деганди аллома, - болалар учун чинакам сабоқдир». Ушбу сабоқнинг меваси тотли, натижаси оқибатли, шарофатлидир.

Дарҳақиқат, отанинг фарзандларига яхшиликларини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайдир. Оталарнинг ўғити фарзандлар учун малҳам, маслаҳатлари ақл кўзини очувчи энг зўр воситадир. Оталарнинг ўрнаги фарзандларни катта ҳаётга тайёрлайди. Демокрит қариялар ҳақида аjoyиб ибратли ҳикматлар битган: «Вазмин ва хушмуомалали қария - ҳаммага ёқади». Еки мана бу ҳикматга қаранг. «Куч ва кўрк ёшлик безаги, қарилликнинг безаги эса заковат ва мулоҳазакорликдир». Ҳа, «Қари билгани, пари билмайди» деб

доно халқимиз бежиз айтмаган. Улардаги ҳаёт таърибаси доим ўзининг ижобий натижасини берган. Доношманд таъкидлаганидек, сертадбир, мулоҳазалиқда гап кўп. Демокрит ижодида салбий хислатлар қораланган. Уларнинг нохушликлари усталик билан фош этилган. Ана шу қусурлардан бири ҳасаддир... Ҳасад - оғу, бутун ёмонликларнинг асосидир. Демокрит бу ҳақда тўхталиб мана бундай дейди. «Ҳасад кишилар орасида жанжални бошлаб беради». Ҳа, ҳасад ўти одамларни куйдиради, одамга азоб беради. Ҳасадгўйларнинг пасткашликлари шундаки, ақарияти улар истеводларга ёпишади, талантни кемиради. Умуман, Демокрит ҳикматларини ўқир экансиз, ундан маънавий озиқа оласиз. Чунки таъричанлиги билан ажралиб турадиган унинг ҳикматлари бугунги кун билан ҳам ҳамоҳангдир.

Мусокул УСМОНОВ, профессор.



Момом таққан тиллақош Энг покиза туйгулар Бошимда нур сочади. Дилда гунча очади.

ХАЛҚАРО МУКОФОТ

Халқаро Нобель мукофоти швейцариялик мундас, кимёгар, ихтирочи ва санъатчи Альфред Бернхард Нобель номи билан аталади. Мазкур халқаро мукофот ҳар йили Нобель вафот этган кун — 10 декабрда берилади.

Нобелнинг васиятига кўра Нобель, фонди ташкил этилган. Шу фондга ҳар йили тушадиган даромад тенг равишда беш қисмга бўлиниб, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳаларидаги улкан кашфиётлар, шунингдек, бадиий асарлар учун, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида қўрсатилган фаолият учун берилади.

Мукофот Нобель тасвири туширилган ва тегишли ёзуви бўлган, олтин медал, диплом ва микдори Нобель фондидаги даромадга боғлиқ (одатда 30-70 минг доллар атрофида) бўлган пул маблағидан иборат.

Мукофотлар, Нобелнинг васиятига кўра, Швеция Қиролиқ Фанлар академияси (физика, кимё, иқтисод фанлари бўйича), Қиролиқ тиббиёт-жарроҳлик институти (физиология ёки тиббиёт бўйича), Швеция академияси (бадиий асарлар бўйича), Норвегия парламентининг Нобель кўмитаси (тинчликни мустаҳкамлаш йўлида қўрсатилган фаолият учун) томонидан тақдим этилади.

ЁШ КУРАШЧИЛАР БАҲСИ

Халқаро кураш Ассоциацияси ва Ўзбекистон кураш миллий федерацияси томонидан курашчи яшавчи таълимчиларга бир йил туғилганлиги муносабати билан декабр ойини «Кураш менинг ифтихорим, ор-номусим» шiori остида кураш ойлиги деб эълон қилинди. Шу мақсадда республикамизнинг барча вилоятларида кураш мусобақалари давом этмоқда. Пойтахтимиздаги республика Олимпия ўринбосарлар тайёрлаш билим юртида ўтказилган Тошкент шаҳар очик чемпионати ҳам ана шулардан бири бўлди. Мазкур биринчиликда пойтахтлик курашчилар билан бирга Тошкент вилоятидан, Чирчиқ шаҳридан ҳамда Қозоғистон Республикасининг Саригоч, Чимкент шаҳарларидан келган 1983-84 йилларда туғилган 90 дан ортққ ўсмирлар голиблик учун беллашди.

«Туркистон-пресс»

Футбол

«ЖЧ-2002»ГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Япония пойтахти Токиода бўлиб ўтган ФИФАнинг навбатдаги ййилишида XVII Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида қуръа ташланди. Унга кўра, 2002 йил Япония ва Жанубий Корея ашил майдонларига йўл олиш учун Осиёдан 40 та терма жамоа икки босқичда кураш олиб боради. Биринчи босқичда 10 та гуруҳга бўлинган терма жамоалар ўз майдонидан ва сафарда ўзаро икки бор учрашадилар. Сўнгра гуруҳ голиблари (10 та жамоа) 2 гуруҳга бўлиниб, яна курашни давом эттирадилар. Мазкур икки гуруҳнинг икки голиби тўғридан-тўғри финалга йўл олса, иккинчи ўрин соҳиблари ўзаро учрашиб голибни аниқлайдилар. Голиб жамоа эса плей-оффда Европанинг 14-жамоаси билан учрашади.

ҚўШИЛАРГА ОСОН БЎЛМАЙДИ

Келгуси йилнинг куз ойларида Ливан пойтахти Байрутда бўлиб ўтажак Осиё чемпионатида йўлланмани қўлга киритган 5 жамоа маълум бўлди. Булар - мезбон Ливан ва аввалги чемпионат голиби Саудия Арабистони терма жамоалари, 1-гуруҳ голиби Ироқ, 7-гуруҳ голиби Индонезия ҳамда 3-гуруҳ голиби Ўзбекистон миллий терма жамоаларидир. Бошқа гуруҳлардаги саралаш ўйинлари эса 2000 йили бўлиб ўтади.

Туркменистон миллий терма жамоаси учун анчагина оғир кечади. Сабаби, гуруҳдан Яман, Непал, Бутан каби жамоалар билан бирга қатор футбол юлдузларини ўзида жамлаган Қувейт терма жамоаси ҳам ўрин олган. Бунинг устига учрашувлар Қувейтда бўлиб ўтади.

4-гуруҳ иштирокчиси қозогистонликларга ҳам саралаш учрашувларида осон бўлмайди. Чунки 2000 йил март ойида бўлиб ўтиши кутулаётган баҳсларда қўшилариимиздан улқни ўз уйида Катар терма жамоаси олиб кетса, ажабмас.

ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ

Терма жамоамизнинг қитъа чемпионати саралаш ўйинларидаги муваффақиятли иштирокидан сўнг терма жамоа бош мураббийи Махмуд Раҳимов Осиёнинг ноябр ойидаги энг яхши мураббийи деб тан олинди. Шунинг-

дек, футболчиларимиздан Н.Ширшов ва А.Хвостуновлар 2000 йилнинг 21 январиди Техронда бўлиб ўтадиган Эрон ҳамда Осиё терма жамоалари учрашувида «осиё юлдузлари» сафидан жой оладиган бўлишди.

«НАВБАҲОР» КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Осиё Кубок эгалари кубоги Фарбий зона гуруҳида қатнашаётган Наманганнинг «Навбахор» жамоаси икки учрашув (2:2, 1:0) натижасига кўра Қозогистоннинг «Қайсар» жамоасидан устун келиб, кейинги босқичга йўл олганлигидан хабарингиз бўлса керак. «Навбахор»чилар навбатдаги 1/4 босқичда Суриянинг «Ал-Жаиш» жамоасини мағлуб этган (0:2, 0:1) Саудия Арабистонининг «Ал-Ахли» жамоаси билан учрашади. Биринчи ўйин келгуси йилнинг 28 январиди Саудия Арабистониди, иккинчи учрашув эса 11 феврал куни Наманганда бўлиб ўтади.

СТОЛ ВИДЕОКАМЕРАСИ

Мультимедиа тизими, лазер дискетлар, электрооптик микроскоп. Бу хил техник воситалар тиббиёт бўйича ушатирилаётган машғулотларнинг янада мазмунли бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.


Тиббий таълимда стол видеокамераси эса илк бор қўлланила бошланди. Бу кўрсатмалли техник ўқув қуроли ёрдамида микроскоп окуляри, дарсликлардаги суратларни телевизор орқали бутун дарсонда намойиш қилиш мумкин. Айни вақтда бу янги техник восита умумий экран орқали ўтилаётган мавзунни ўзлаштириш имконини беради.

ОҒУФУРУШ ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

Жиноят... у энгилми, оғирми, барибир ёмон оқибатларга олиб келади. Аслида кингир ишга аралашиб қолишнинг сабаби нафс балосига эрк беришдир.

Шарҳисабз шаҳридаги Ўрда кўчасининг 30 «А» уйида яшовчи Нажмиддин Маҳмадов ҳам гийҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб, бойиб кетишни орзу қиларди. У Қарши шаҳар темир йўл шохбекатида дастлаб Тожикистон Республикасидан келган Саид исмли нотаниш кишидан 15 грамм микдорда «героин» моддасини 30 минг сўмга сотиб олади. Уни эса ўзича хомаки ҳисоб-китоб қилиб қўради-да, мийиғида кулиб қўяди. Қарангки, Нажмиддин ўйлаганчандек бу «товар»га харидор тез топилди. 4 граммдан зиёд оғуни 20 минг сўмга пуллайти. Яна шунча микдордагисини бир кун ўтгандан кейин «харидор»га ўринлатиб сотади. Бунинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланиб юрган милиция ходимлари жиноят содир бўлган жойда оғуфурани қўлга олишади.

Шерали АНВАРОВ.



Анджон шаҳридаги гимнастика бўйича олимпия резервлари спорт мактабига Тўлқинжон Қўлдошев раҳбарлик қилади. Мазкур спорт мактабиди 350 нафар ёш гимнастиканинг тўрт тури бўйича тўрт секцияда шуғулланишади. Улар орасида республика чемпионолари борлигидан мактаб маъмурияти ҳақли равишда фахрланади.

Суратда: 1- тоифали тренер Улуғбек Нишонов 1999 йил чемпиони Нодир Олимов ва Дилшод Маматалиевлар билан навбатдаги машғулоти ўтказмоқда.

Кодир ҚАЙЙУМ.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ўқинг, бу қизиқ

ҚАЛДИРҒОЧ ИНИ

Қалдирғоч ини, яна аниқроғи, узун канот тоғ қалдирғочларининг ини жуда ноёб таомдир. Бу қушлар Таиланд соҳили яқинидаги оролларда яшайди. Улар ўз инларини тиллари остидаги моддадан қуришади. Маҳаллий аҳоли қалдирғоч инларини йиғиб, энг ҳашаматли ресторанларга сотишади.

ЭНГ ҚИСКА ВА ЭНГ УЗОҚ УМР

Тош ҳамда бронза асрлариди ёши 50 дан ошган одам анқонинг уруғиди хаддан, ташқари кам эди.

Уша давр одамзот скелети колдикларини ўрганиш олимларни куйидаги хулосага олиб келган. Ўртача умр кўриш 18-20 ёшни ташкил этган. Қадимий Римда 40 йил умр кўрган инсонни қария деб, 60 ёшга етган одамни эса, допонтанус (қурбон этишга лойиқ) деб аташган. Қадимий Римда ўртача умр кўриш 20-30 йилни ташкил этган. Бу рақам уйғониш давригача ўзгармаган.

Айрим маълумотларга кўра, инсон умрининг энг сўнги чўққиси 185 ёш экан. Глазголик Кентигерн исмли одам худди ана шу ёшга кириб, 600 йилнинг 5 январиди оламдан кўз юмган экан. Норвегиялик Дракенберг эса, 1626 йилдан 1772 йилгача, яъни 146 йил умр кўрган. Қароқчиларга аср тушиб, умрининг ўн беш йили зиндонда ўтган. Шундан сўнг у яна 90 йил матрослик қилган экан.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб - «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Маъбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерия терилди на саҳифаланди. Өфсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмаханси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 21.30